



2016 у.г. «18» март

№ 380-к

Самарқанд т.-р. Самарқанд

Тумандаги “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини “Гулобод” маҳалласида жойлашган фуқаро Шарипов Шаҳоб Шамсиевичга тегишли уй-жойини тўлиқ турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўкони ва омборхонага айлантириш ҳақида

Тумандаги “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини, “Қавчинони боло” маҳалласи яшовчи фуқаро Шарипов Шаҳоб Шамсиевич тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида туман ҳокими номига ариза билан мурожаат этиб, “Гулобод” маҳалласида жойлашган уй-жойини тўлиқ турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўкони ва омборхонага айлантириб беришга рухсат берилган, Самарқанд тумани хокимининг 2012 йил 15 март кундаги 295-Қ сонли қарори билан эгалик қилиш ҳуқуқи ўрнатилган, “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғинининг маълумотномасига кўра, ушбу уй-жойда ҳеч ким яшамаётганлиги ва Шарипов Шаҳоб Шамсиевич оиласи билан ўзига тегишли бошқа уйда яшаётганлиги, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан тайёрланган кадастр ҳужжатлар тўпламини, кўздан кечириш натижаларини, турмуш ўртоғи ҳамда вояга етган фарзандларининг розилик қилишини тақдим этган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Уй-жой кодекси”нинг 15-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 августдаги 357мп-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун қўлдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Низомига, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан,

#### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тумандаги “Даштакиболо” кишлоқ фуқаролар йиғини, “Гулобод” маҳалласида жойлашган фуқаро Шарипов Шаҳоб Шамсиевичга тегишли уй-жойини тўлиқ турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига айлантиришга рухсат бериш ҳақидаги туман хокими номига ёзган аризаси ҳамда тақдим этилган барча ҳужжатлар маълумот учун қабул қилинсин.

2. Фуқаро Шарипов Шаҳоб Шамсиевичга тегишли бўлган уй-жойнинг ошхона қисми 8,58 м.кв., йўлак ёрдамчи 20,90 м.кв., яшаш хонаси фойдали 26,00 м.кв., яшаш хонаси фойдали 26,00 м.кв., айвон ёрдамчи 15,50 м.кв., ертўла ёрдамчи 72 м.кв., ертўла ёрдамчи 26,00 м.кв., ертўла ёрдамчи 26,00 м.кв., ертўла ёрдамчи 90 м.кв. ва жами қурилиш остидаги 123,47 м.кв. бино иншооти турар жой тоифасидан нотурар жой тоифаси савдо дўкони ва омборхонага айлантиришга тақдим қилинган маълумот асосида умумий 292,72 м.кв. ер майдонидан нотурар жой тоифаси сифатида доимий айлантиришга рухсат берилсин.